

ҚОРАМОЛЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТЎЙИМЛИ ОЗИҚЛАНТИРИШ, АСРАШ ВА СУНЪИЙ ҚОЧИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Б.Ш.Бойбулов.

ЧПИТИ Қашқадарё илмий-тажриба станцияси

Р.Г.Пардаев., Қ.Э.Мусурмонов

*Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар
университети*

Аннотация: Зотли қорамолларни такомиллаштиришда мавжуд селекция усулларида кенг фойдаланиб, соф зотли сигирларнинг генофонд подаларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: Қорамол, чорва, селекция, насл, озиқлантириш, сигир, маҳсулдор, сут, ёғ, пуштдорлик, экстерьер.

Кириш. Республикамиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига ошиб бораётган эҳтиёжини қондириш чорвачиликни янада ривожлантиришни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида чорва молларининг насл, маҳсулдорлик, пуштдорлик ва бошқа селекция белгиларини такомиллаштириш соҳа олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги "Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чоратadbирлари тўғрисида"ги ПҚ-4576 Қарори ҳамда 2021 йил 3 мартдаги "Чорвачилик тармоғларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чоратadbирлари тўғрисида"ги ПҚ-5017 Қарорларида чорва моллари бош сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш билан бир қаторда уларни генофондини сақлаш ва наслини яхшилашга ҳам катта эътибор қаратилган. Бу эса фермер ва деҳқон хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришга, ички истеъмол бозорини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имконият яратади

Ушбу қарорларга биноан республикадаги мавжуд қорамоллар бош сонини сақлаб қолиш, уларни кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш, наслчилик – селекция ишларини яхшилаш натижасида юқори маҳсулот олишга эришиш кўзда тутилган. Чорвачиликни ривожлантириш эса қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг насл, маҳсулдорлик, пуштдорлик ва бошқа муҳим селекция белгиларини такомиллаштириш тақозо этади. Бу эса Республикада зотли қорамолларни такомиллаштиришда мавжуд селекция усулларида кенг фойдаланиб, соф зотли сигирларнинг генофонд подаларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Қорамолларни тизимлар бўйича урчитиш ва юқори насл қийматида эга буқалардан фойдаланиш подаларни такомиллаштиришда алоҳида аҳамиятга эга. Тажрибалар натижасида яхшиловчи насл тоифасига эга буқалардан олинган сигирлар, сут маҳсулдорлиги жиҳатидан насл сифати бўйича баҳоланган буқалардан олинган сигирлар

юқори маҳсулдорликка эга бўлганлар. Қорамолларни тизимлар бўйича урчитиш подаларни генетик жиҳатидан такомиллаштириш имкониятини беради. Шунингдек, бундай урчитиш мутаносиб тана тузилишига эга, сут йўналиши хилига мансуб машинада соғиш талабларига жавоб берадиган елин кўрсаткичларига эга, озуқани юқори даражада сут билан қоплаш хусусиятларига эга сигирлар етиштириб бериш имкониятини беради.

Материал ва методлар. Қорамолчиликда сигирларнинг самарали сунъий уруғлантириш ҳамда қора-ола зотли қорамолларнинг авлодларини маҳсулдорлиги ошириш мақсадида хўжалик мутахассислари қора-ола зотли сигирларни голштинлаштиришга ҳаракат қилиб, қон сингдириш чатиштиришни олиб боришмоқда, натижада ҳар хил генотибли голштинлашган чатишма сигирлар олинган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки сигирларнинг барчасини ўсиш кўрсаткичлари талаб даражасида бўлган. Бунда мустақкам конституцияга хос бўлган сигирлар устиворлик қилишган.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Зоотехнияда шу нарса маълумки, ҳайвонларни ўсиш кўрсаткичлари яъни тирик вазни аниқланганда, уларнинг ривожланиш кўрсаткичлари ҳам аниқланади. Ривожланиш кўрсаткичларини ўзгариши хужайраларнинг иқтисослашишига боғлиқ бўлади. Бунда ҳайвонни тана тузилиш шакли ўзгаради, демак экстерьер хусусиятлари билан боғлиқликда бўлади. Шунинг учун ҳам ҳайвонлардан тана ўлчамлари олинади. Тажриба гуруҳидаги сигирларнинг асосий тана ўлчамларини: кўкрак чуқурлиги, кўкрак эни, кўкрак айланаси, елка баландлиги, думғаза баландлиги, орқа дўнглигини эни, гавданинг қия узунлиги, почка айланаси каби 8 та ўлчамни сигирларга озуқа беришдан олдин эрталаб текис ерга қўйиб оёқларини босилишига эътибор берган ҳолда ўлчов таёғи, ўлчов лентаси ва Вилкенс циркулидан фойдаланиб ўлчовлар олинади.

Олинган ўлчам маълумотлари конституция типидан қаътий назар гуруҳлардаги сигирларни сутбоп зотга мансуб эканлигини ифодалаган, чунки тана тузилишини мутаносиблиги, конституциянинг мустақкамлиги ва зот типининг яққол кўзга ташланиши билан характерланган. Биз тажрибадаги сигирларни экстерьерини ўрганишда уларнинг ташқи тана шакли, суяклари, мускуллари, бўғинлари, қон томирлари, жун, шох, туёқ, сезиш органлари ва бошқаларга алоҳида эътибор бердик. Сигирларнинг орқа қисми муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тоснинг катталиги ва гавдага мослиги туғиш учун жуда муҳим кўрсаткичдир. Сигирларда елиннинг хажми, шакли, уни без ва томирлар билан қопланганлиги, елин бўлақларининг кенг ривожланганлиги, сўрғичларининг катта-кичиклиги ва шакли муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Шундай қилиб, тажрибадаги сигирлар ўзининг конституция типлари кесимида тана тузилиш ўлчамлари томонидан бир-бировидан фарқ қилади, яъни нозик конституция типидagi ҳайвонларидан ҳам нисбий кўрсаткич бўйича ижобий кўрсаткичларга эга бўлишган.

Маълумки, тана ўлчамлари у ёки бу ҳайвонни экстерьерини баҳолашда тўлиқ маълумот бера олмайди, шунинг учун ҳам тана тузилиш ўлчамлари асосида, ҳайвонларнинг бир ўлчамини иккинчи бир ўлчамга нисбатини фоиз ҳисобида ифодаланишини характерлайдиган тана тузилиш индекслари ҳисобланади. Айнан тана тузилиш индекслари ҳайвонни экстерьерини тўлиқ баҳолаш имконини беради.

Қорамолчиликда айниқса сутбоп қорамолчиликда сигирларнинг насл хусусиятини яхшилашда ва пода таркибини такомиллаштиришда сигирларнинг пуштдорлик хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам биз олиб

борилаётган тадқиқотларимиз натижасида тажриба гуруҳидаги сигирларни пушторлик кўрсаткичларини ўрганиб борилади. Тажриба гуруҳидаги сигирларнинг бўғозлик давомийлиги муддати бўйича гуруҳлараро фарқ кузатилмади ва бу селекцион белги бўйича ўзгарувчанлик коэффициенти паст кўрсаткичга эга бўлган, бу эса тажриба гуруҳидаги сигирлар бир-бирига анча яқин ва физиологик меъёр талаблари даражасидаги кўрсаткичларга эга бўлганлигидан далолат беради.

Хулоса: Шундай қилиб, маҳсулдор молларни етиштириш яъни сунъий уруғлантиришни тўғри йўлга қўйиш, серсутликни ошириш, ўсиш ва ривожланишини ўрганиш ва пушторлик кўркаткичларини кузатиб бориш, ҳамда йил давомида тўла қийматли озукалар билан озиклантириш ва асрашга қаратилган чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш бўйича таклиф ва тавсияларни бериб бориш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юнусов, Х. Б., & Захаров, С. Л. (2012). Разработка интегрированных методов глубокой очистки воды на основе баромембранных процессов и электрохимических технологий. *Химическое и нефтегазовое машиностроение*, (1), 38-41.
2. Юнусов, Х. Б. (2008). Совершенствование технологии электрохимической очистки воды от растворенных органических веществ. *Успехи в химии и химической технологии*, 22(10 (90)), 58-60.
3. Кривошея, И. В., Солтанов, С. Х., & Юнусов, Х. Б. (2016). Применение установки рекуперации нефтепродуктов, основанной на адсорбционных свойствах активированного угля. In *Актуальные проблемы биологической и химической экологии* (pp. 304-307).
4. Юнусов, Х. Б., & Силушкин, С. А. (2019). Гематологические и биохимические показатели крови кур-несушек при использовании в рационе настоя из лекарственных растений. In *Актуальные проблемы биологической и химической экологии* (pp. 79-84).
5. Балакин, Ю. А., Гладков, М. И., Юнусов, Х. Б., & Захаров, С. Л. (2015). Математическое моделирование влияния вибрации на рафинирование расплавов металлов. *Географическая среда и живые системы*, (4), 51-58.
6. Яромлович, В. А., Юнусов, Х. Б., Федотов, Д. Н., Даминов, А. С., Дилмуродов, Н. Б., & Кулиев, Б. А. (2020). Морфофункциональная характеристика вымени у коров различной продуктивности.
7. Балакин, Ю. А., Юнусов, Х. Б., Будник, А. А., Соколов, И. В., & Хаулин, А. Н. (2016). Влияние внешнего воздействия на межфазное взаимодействие при кристаллизации металлов. *Вестник Московского государственного областного университета. Серия: Естественные науки*, (2), 78-86.
8. Солтанов, С. Х., Кривошея, И. В., Позднякова, Д. В., & Юнусов, Х. Б. (2014). Негативные экологические последствия эмиссий авиадвигателей воздушных судов гражданской авиации московского авиационного узла. *UNTRADITIONAL NATURAL RESOURCES, INNOVATION TECHNOLOGIES AND PRODUCTS*, 137.

9. Юнусов, Х. Б., Дроганова, Т. С., Поликарпова, Л. В., & Лялина, И. Ю. (2016). Влияние загрязнения водной среды на изменения ферментативной активности пресноводного моллюска живородка речная. *АгроЭкоИнфо*, (4 (26)), 6.
10. Кононенко, Л. В., Самбурова, Е. В., & Юнусов, Х. Б. (2018). Метапредметность: опыт, реализуемый в жизни. *Химия в школе*, (5), 50-54.
11. Раткевич, Е. Ю., & Юнусов, Х. Б. (2012). Основы экологического образования. М.: *Экомир*.
12. Юнусов, Х. Б. (2013). Дисциплина «Экология» для направления подготовки «Педагогическое образование», профили подготовки «Технологическое и экономическое образование», «Технологическое образование». М.: *МГОУ*.
13. ЮНУСОВА, Т., Лётова, К. К., & ЮНУСОВ, Х. (2015). Экологические проблемы окружающей среды и правовые основы работы с экологически опасными веществами и отходами. In *Проблемы экологии Московской области* (pp. 72-74).
14. Кривошея, И. В., Солтанов, С. Х., Лялина, И. Ю., & Юнусов, Х. Б. (2015). Применение фиторемедиации как одного из эффективных и перспективных методов очистки почв от тяжелых металлов на территориях, прилегающих к аэродромам и автозаправочным станциям. *Министерство экологии и природопользования Московской области*, 84.
15. Yunusov, K. B. (2020). PATOMORPHOLOGICAL AND HISTOCHEMICAL INDICES IN EXPERIMENTAL PNEUMONIA IN KARAKUL LAMBS OF UZBEKISTAN.
16. Yunusov, K. B. (2020). PATOMORPHOLOGICAL AND HISTOCHEMICAL INDICES IN EXPERIMENTAL PNEUMONIA IN KARAKUL LAMBS OF UZBEKISTAN.
17. Юнусов, Х. Б., Салимов, Ю., & Нуруллаев, А. А. (2021). Техноген омилларни махсулдор хайвонлар организмига ўзига хос таъсирлари. *Вестник Ветеринарии и Животноводства*, 1(1).
18. Джаббаров, Ш. А., Юнусов, Х. Б., Федотов, Д. Н., & Нормурадова, З. Ф. (2021). Современное состояние гельминтофауны кошек.
19. Юнусов, Х. Б., Федотов, Д. Н., & Бутаева, И. М. (2021). Международные отношения в области образования между Самаркандским институтом ветеринарной медицины и Витебской государственной академией ветеринарной медицины.
20. Усиков, М. А., & Юнусов, Х. Б. (2021). СНИЖЕНИЕ ГАРМОНИЧЕСКИХ ИСКАЖЕНИЙ В ЭЛЕКТРИЧЕСКОЙ СЕТИ ПРИ ПИТАНИИ ПРЕОБРАЗОВАТЕЛЕЙ ЧАСТОТЫ ЭЛЕКТРОПРИВОДОВ БУРОВЫХ УСТАНОВОК. In *Международная научно-практическая конференция «Уральская горная школа-регионам»* (pp. 161-162).
21. Soltanov, S. K., Yunusov, K. B., Yuldashbayev, Y. A., Zolotarev, S. V., & Baimukanov, D. A. (2020). MODERN GEOCHEMICAL STATE OF THE ENVIRONMENT OF THE ADJACENT TERRITORIES OF THE DOMODEDOVO MOSCOW AIRPORT. *OF GEOLOGY AND TECHNICAL SCIENCES*, 31.
22. Голыбин, Ю. А., & Юнусов, Х. Б. (2020). ЭНЕРГОСБЕРЕЖЕНИЕ ПРИ АВТОМАТИЗАЦИИ НАСОСНЫХ СТАНЦИЙ. In *Уральская горная школа-регионам* (pp. 196-197).

23. Yunusov, K., & Achilov, O. (2022). Inspection of meat products and improvement of control at the slaughterhouse. *Journal of new century innovations*, 17(4), 155-162.
24. Юнусов, Х. Б. (2020). Патоморфологическая характеристика мочевыводящих путей у продуктивных животных. In *ВОПРОСЫ ВЕТЕРИНАРНОЙ ГИСТОЛОГИИ* (pp. 167-170).
25. Кучинский, М. П., Юнусов, Х. Б., Джаббаров, Ш. А., Салимов, Ю., & Федотов, Д. Н. (2020). Токсикологическая оценка полиионного дезинтоксикационного препарата для животных. In *Состояние разработки и производства биологических и ветеринарных препаратов и возможности расширения их локализации* (pp. 63-65).
26. Юнусов, Х. Б., Захаров, С. Л., Зверев, О. М., Солтанов, С. Х., & Кривошея, И. В. (2015). УЛУЧШЕНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ СТОЧНЫХ ВОД НА ТЕКСТИЛЬНОМ ПРЕДПРИЯТИИ. In *Нетрадиционные природные ресурсы, инновационные технологии и продукты* (pp. 13-17).
27. Boysinova, N., Ibragimov, F., Yunusov, K., Achilov, O., & Rasulov, U. (2024). The effectiveness of using probiotics, their effect on growth and chemical composition of broiler chicken meat. In *BIO Web of Conferences* (Vol. 95, p. 01013). EDP Sciences.
28. Юнусов Х. Б., Ачилов О. Э., Султонкулов А. И. ЭХИНОКОККОЗ БИЛАН ЗАРАРЛАНГАН ҚЎЙ ГЎШТИНИ ВЕТЕРИНАРИЯ САНИТАРИЯ ЖИХАТДАН БАҲОЛАШ //Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 22. – №. 2. – С. 3-14.
29. Юнусов, Х. Б., & Турдиев, А. К. (2022). РЕСПУБЛИКАДА ҚУЁНЧИЛИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ. *AGROBIOTEKNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI*, 714-719.